

УДК 373.24

**ВОЯГА ЕТМАГАН ВА БОЛА ТУШУНЧАЛАРИНИНГ УЛАРГА ҚАРШИ
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ
ТҮҒРИСИДА**

Ешмуратов Шерали Бахитович

*Тошкент шаҳар ИИО Ички ишлар бўлинмаси
катта эксперти, подполковник*

Аннотация. Мақолада вояга етмаган ва бола тушунчалари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш нуқтаи назаридан уларга қарши жиноятларни олдини олишда ҳуқуқий таҳлил қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Муаллиф вояга етмаганлар ва болаларни ҳуқуқий ҳолати түғрисида ўз фикрларини билдирган олимларни фикрларини тақдим етади. Муаллифнинг хulosалари асосида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида вояга етмаганлар ва болаларни ӯзига хос хусусиятлари түғрисида тегишли илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: вояга етмаган, бола, ҳуқуқий мақом, вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари, юридик тармоқлар, ювенал юстиция.

**О СООТНОШЕНИИ ПОНЯТИЙ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИЙ И РЕБЕНОК В
ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В ОТНОШЕНИИ НИХ**

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы связанные с правовыми анализом соотношения понятий несовершеннолетний и ребенок в предупреждении преступлений в отношении них с точки зрения юридической регламентации. Автором приводятся мнения ученых, которые высказали мнения правовом статусе несовершеннолетнего и ребенка. Основываясь на заключениях автора, разработаны соответствующие научно обоснованные предложения относительно особенностей несовершеннолетнего и ребенка в правоприменительной деятельности.

Ключевые слова: несовершеннолетний, ребенок, правовой статус, права несовершеннолетнего и ребенка, юридические отрасли, ювенальная юстиция.

**ON THE RELATIONSHIP BETWEEN THE CONCEPTS OF A MINOR
AND A CHILD IN PREVENTING CRIMES AGAINST THEM**

Annotation. The article examines issues related to the legal analysis of the relationship between the concepts of a minor and a child in preventing crimes against

them from the point of view of legal regulation. The author cites the opinions of scientists who expressed their opinions on the legal status of a minor and a child. Based on the author's conclusions, relevant scientifically substantiated proposals have been developed regarding the characteristics of a minor and a child in law enforcement activities.

Key words: minor, child, legal status, rights of minors and children, legal branches, juvenile justice.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг З-моддасида, “вояга етмаган – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс” [1] деган тушунча мустаҳкамланган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган “Пекин қоидалари”да қуйидаги таъриф келади: “вояга етмаган деб, ҳуқуқбузарлик учун мавжуд ҳуқуқий тизим доирасида катта ёшдагилар тортиладиган жавобгарлик шаклидан фарқ қиласиган шаклдаги жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган бола ёки ёшга айтилади”[2].

Мазкур таърифда муайян, аниқ ёш кўрсатилмаганлиги сабабли “вояга етмаган бола” атамаси бир қадар ноаниқ бўлиб туюлади. Бу нуқтаи назардан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда келтирилган тушунча энг аниқдир.

“Бола” ҳамда “вояга етмаган” тушунчалари масаласида Конвенцияда “бола” тушунчасига таъриф берилганлиги сабабли ҳуқуқий адабиётларда қонунчиликдан “вояга етмаган” атамасини чиқариб ташлаб, унинг ўрнига “бола” атамасини қўллаш масаласи мутахассислар томонидан илгари сурилмоқда. Шунингдек, улар томонидан қонун ҳужжатларида “вояга етмаган жиноятчилар” каби изоҳлар бўлмаслиги кераклиги тўғрисида фикр билдирилмоқда. Улар ўрнига “вояга етмаганларга нисбатан судлов”ва “жиноий судлов тизимида болалар” атамаларини киритиш таклиф этилмоқда. Бу атамалар устуворлиги шундаки, улар нейтрал характерга эга бўлиб, таҳқиromuz кўринишга эга эмас[3, с.11]. Бизнинг фикримизча, “бола” атамаси билан “вояга етмаган” тушунчasi бирхиллаштирилиши мақсадга мувофиқ. Бунда “бола” атамасига нисбатан “вояга етмаган” атамаси изоҳ, таъриф сифатида қабул қилиниши керак.

Бола ҳуқуқлари юридик соҳа олимларининг илмий асарларида турлича талқин қилиб ўтилган. “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”да бола ҳуқуқлари деб инсон ҳуқуқларининг болага нисбатан қўлланишига айтилган ва айни вақтда бола ҳуқуқлари соҳасидаги махсус нормаларнинг ишлаб чиқилиши, боланинг жамиятдаги алоҳида ҳолати, уларнинг оиладаги ўрни, ёши билан боғлиқ махсус ҳуқуқларнинг ҳамма давлат қонунчилигига белгиланмаганлиги, вояга етганлар ҳуқуқларининг барчасига эга эмаслигидан келиб чиқиши қайд этилган[4, б.64].

Хукуқшунос олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган юридик атамаларнинг қомусий лугатида ҳам бола ҳукуқлари тушунчаси юқоридаги тартибда баён қилиб ўтилган[5, б.82]. Бизнинг фикримизча, мазкур таърифларнинг умумий мазмуни бола ҳукуқлари тушунчасини бир жиҳатдан, яъни инсон ҳукуқларининг болаларга нисбатан қўлланилиши нуқтаи-назаридан очиб берсада, таърифда ўзига хос камчилиги намоён бўлади. Тўғри, бола ҳукуқлари айни вақтда инсон ҳукуқлари, инсон ҳукуқларининг болаларга нисбатан қўлланилиши, бироқ инсон ҳукуқларининг барчаси ҳам болалар учун татбиқ қилинмайди. Хусусан, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш, сиёсий партияларга аъзолик қаби ҳукуқларни қайд этиб ўтишимиз мумкин.

Юқорида кўриб чиқилган бола ҳақидаги тушунчалар боланинг ижтимоий мавқеини белгилаб беради. Қайд этиб ўтилган фикрлардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, демак, бола деганда инсон ҳаётининг 18 ёшгача бўлган, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган, бир сўз билан айтганда вояга етмаган даврини тушунишимиз лозим.

В.И.Абрамов бола ҳукуқларини инсон ҳукуқларининг болаларга нисбатан қўлланиладиган қисми деб изоҳланиши ҳақида тўхталиб, бу таърифнинг бола ҳукуқлари моҳиятини тўлиқ очиб бермаслигини таъкидлаган. Унинг фикрича, бу тушунча шахс субъектив ҳукуқларининг бола ҳукуқларига уларнинг вояга етмаганлигини инобатга олиб татбиқ қилинишидир[6, с.12].

Т.В.Осипова ҳаммуаллифликда бола ҳукуқларига халқаро ҳужжатларда қайд этилган болалар ҳукуқларининг мажмуидир, деб таърифлашган[7, с.10].

Бола ҳукуқларига оид тушунчалар айрим хорижий энциклопедияларда ҳам қайд этилган. Бола ҳукуқлари бу – жинси, тили, дини, миллати, туғилган жойи, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа фарқлардан қатъи назар ҳар бир бола эга бўлиши зарур бўлган ҳукуқ ва эркинликлар мажмуидир[8, с.2].

Вояга етмаган ва бола ҳукуқларига оид маълумотлардан кўриниб турибдики, уларнинг ҳукуқлари миллий ҳукуқий тизимининг муҳим таркибий элементи бўлса-да, ушбу тушунча юридик жиҳатдан турлика талқин қилиниб, унга аниқ таъриф, тавсиф берилишида турли қарашлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан ва қайд этилган маълумотлардан келиб чиқиб бола ҳукуқлари тушунчасига қуйидаги таърифини бериш мумкин: “вояга етмаган ва бола ҳукуқлари сифатида инсон ҳукуқларининг муҳим ва ажralmas таркибий қисми бўлиб, инсоннинг ўн саккиз ёшгача бўлган даврида фойдаланадиган хулқ-атвор қоидаларининг йигиндиси деб тан олиш мумкин.

Вояга етмаган ва бола ҳукуқлари миллий ҳукуқий тизимнинг муҳим таркибий элементи ҳисобланган ҳукуқий муносабатларнинг улар билан боғлиқ жиҳатларини тартибга солади. Бу жараёнда вояга етмаган ва бола ҳукуқларига оид ҳукуқий нормалар ҳукуқ тизимидағи бошқа тармоқ нормалари билан

бевосита алоқадорликда қўлланилади. Шунинг учун ҳам вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари ҳақида сўз юритганда, албатта, ҳуқуқ тизимиға алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши ҳокимият воситалари билан таъминланадиган нормалар мажмуидан иборат. Айни вақтда, бу нормалар мажмуи бетартиб тарзда жамланган бўлмай, балки унинг қисмлари ўзаро мувофиқлик, боғлиқлик асосида бирлашади. Бу тизим бир пайтда умумийлик ва алоҳидалик, мустақиллик ва боғлиқлик, ўхшашлик ва фарқланиш хусусиятларига эгадир.

Ҳуқуқ тизимининг мазкур тавсифидан вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари ҳуқуқ тизимини ташкил қилувчи бир қатор унинг тармоқлари билан бевосита боғлиқ эканлиги тўғрисида асосли хулосага келиш мумкин. Дарҳақиқат, вояга етмаганлар ва бола ҳуқуқлари тармоғи ҳуқуқ тизимининг жиноят, оила, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан вояга етмаган ва бола ҳуқуқларини улар қайд этилган ҳуқуқ тармоқларига асосланиб шартли равишда маълум гурухларга ажратиб ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, жумладан, оила соҳасидаги вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари, жиноят, меҳнат, таълим, фуқаролик ҳуқуқларида қайд этилган бола ҳуқуқлари ва бошқалар.

Биз юқорида вояга етмаган ва бола ҳуқуқларини ҳуқуқ тизимининг таркибий элементларидан бири сифатида кўриб чиқдик. Масаланинг муҳим жиҳати шундан иборатки, вояга етмаган ва бола ҳуқуқларини ҳуқуқ тизимининг айнан қайси таркибий элементи сифатида баҳолаш лозимлиги хусусида аниқ тўхтамга келинмаган. Маълумки, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг тизимли тузилиши бўлиб, ўз таркибига ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларини қамраб олади. Ҳуқуқ тизими ҳуқуқ нормаларининг ташкилий тузилиши бўлиб, унинг мавжуд бўлиши объектив шарт–шароитларга боғлиқ ва ҳуқуқ ички тузилишининг ягоналиги билан белгиланади[9, с.97].

Ҳуқуқ институти эса, ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гурухи бўлиб ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солади[10, б.345-346]. Юридик адабиётларда ҳуқуқ институти деб, турдош ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи ва ҳуқуқнинг муайян тармоғи таркибига киравчи ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳига айтилган[11, б.644]. Бироқ айrim ҳолатларда айни бир хил ижтимоий муносабатлар турли тармоқларнинг нормалари билан тартибга солинади. Бундай ҳолларда ҳуқуқнинг икки ёки ундан ортиқ тармоғи нормалари ҳуқуқ институтини ташкил қилиши мумкин. Улар тармоқлараро институтлар деб юритилади.

Вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари ҳуқуқ тизимида кенг қамровли ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олади[12, с.78]. Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган

ва бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тизими яратилган. Бу тизим Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Мехнат кодекси, Жиноят кодекси, Жиноий-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ва вояга етмаган ва бола ҳуқуқларини амалга ошириш масалаларини тартибга солувчи ва тегишли давлат органларининг ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳамда ота-оналарнинг уларни бажариш ва бузилган тақдирда химоя қилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини белгилайдиган қонун ҳужжатларини ўз ичига олади.

Вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари билан боғлиқ қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бола ҳуқуқларини тартибга солишининг кенг қамровли механизм эканлигидан далолат беради. Қайд этиб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқ тизимининг бир қатор тармоқлари, ўз навбатида, уларнинг таркибидаги ҳуқуқ институтларини ташкил қилувчи ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солинган. вояга етмаган ва бола ҳуқуқларига оид ижтимоий муносабатлар ҳажм ва мураккаблик жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга ва бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Вояга етмаган ва бола ҳуқуқларига оид мажмуавий ҳуқуқ соҳаларининг табиати ҳақидаги масала мунозаралидир. Уларни ўз предмети ва методига эга бўлмаган ёки мустақил ҳуқуқ соҳаларидан фарқли ўлароқ, қонунчилик соҳалари деб ҳисоблашади[13, с.149].

Бу борада юридик фанда ҳуқуқ соҳаси билан қонунчилик соҳасининг ўзаро муносабати, айниқса, мажмуавий ҳуқуқ соҳалари (ёки қонунчилиги)нинг мавжудлиги масаласи охиригача аниқланмаган[14, с.303].

Бу ҳолатни вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг шаклланишида кўришимиз мумкин.

А.Х. Саидов бу борада фикрига кўра вояга етмаган ва боланиг ҳуқуқий мақомини белгиловчи юридик меъёрлар ҳуқуқнинг турли соҳалари – оила, фуқаролик, молия, ижтимоий таъминот, меҳнат, жиноий, фуқаролик-процессуал, жиноий-процессуал, солик ва бошқа соҳалари ўртасида белгиланган. “Конституция ва конституциявий ҳуқуқ, шунингдек, ҳуқуқнинг бутунлай янги соҳаси – ювенал ҳуқуқ нормалари ана шундай асос бўлиши мумкин. Ювенал ҳуқуқ Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимининг шаклланаётган янги соҳаси сифатида ўз предметига ва ҳуқуқий бошқариш методига эга” [15, б.13].

Баъзи ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари соҳасини ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмларидан бири, айни вақтда мураккаб, тармоқлараро ҳуқуқ институтидир. Бола ҳуқуқлари билан боғлиқ амалдаги

ижтимоий муносабатларни кўриб чиқиши ва ҳал қилишда вояга етмаган ва бола ҳуқуқларига алоҳида соҳа сифатида ёндашилсада, назарий жиҳатдан у миллий ҳуқуқий тизимимизнинг мураккаб ҳуқуқ институти деб баҳолайдилар. Вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни алоҳида ҳуқуқ тармоғига ажратиш, янги ҳуқуқ соҳасини вужудга келтириш бир қатор қўшимча мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин, жиноий, маъмурый, оила, фуқаролик, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги бола ҳуқуқлари тармоғига оид ҳуқуқий нормаларни бир тармоққа жамлаш амалий ва назарий жиҳатлардан илмий асосларга эга эмас, деб талқин қиладилар.

Қонунчилик ривожланишининг тенденцияларини инобатга олган ҳолда, вояга етмаган ва бола ҳуқуқларини мажмуавий ҳуқуқ соҳаси, деб қўрсатиш мумкин. Ушбу мажмуавий ҳуқуқ соҳасининг ювенал ҳуқуқ ёки вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари, деб номланиши масаласи ҳозирча очиқ қолмокда. Муҳими шундаки, ўзининг алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш методига эга бўлган бу соҳадаги мустақил ижтимоий муносабатларнинг объектив шаклланиши ҳамда мазкур ғоянинг мавжудлигидир.

Шундай қилиб вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари ҳуқуқларини юридик жиҳатдан тадқиқ этиш, унинг бошқа ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ўзига хос жиҳатларга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Шу жиҳатдан, вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари қўйидаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатиш мумкин.

1. Вояга етмаган ва бола ҳуқуқларининг ўн саккиз ёшга тўлганидан ёки шахснинг тўла муомала лаёқатига эга бўлганидан кейин ҳам давом этиши, ўз навбатида янги ҳуқуқларга эга бўлиш билан бойиши.

2. Вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари ҳуқуқларининг инсон ҳуқуқларининг барча турларини қамраб олмаслиги (сиёсий ҳуқуқ сифатида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари).

3. Вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари ҳуқуқлари инсон ҳаётининг маълум даври билан ажратилади, яъни уларнинг ўн саккиз ёшга тўлиши муносабати билан бу ҳуқуқлар ўзгача мазмун моҳият касб этади.

4. Вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари ҳуқуқларини инсоннинг қонунда белгиланган тартибда тўла муомала лаёқатига эга бўлиши билан боғлиқлиги, агар бу ҳолат ўн саккиз ёшга тўлмасдан олдин содир бўлган бўлса, шу улар учун белгиланган ҳуқуқларининг тўлиқ инсон ҳуқуқлари доирасига ўтиши.

5. Вояга етмаган ва бола ҳуқуқларининг таъминланиши бевосита уларнинг шахсий ташабbusлари билан эмас, балки бошқа шахслар, яъни ота-оналар, ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар ва бошқа масъул идораларнинг ташабbusларига боғлиқлиги кабиларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, таъкидлаш керакки, вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг муҳим таркибий қисмидир. Вояга етмаган ва

бала ҳуқуқлари ҳуқуқлари таъминланганлик даражаси мамлакатнинг келажакка бўлган ишончини намоён этади. Ҳар бир қисми сифатида вояга етмаган ва бола ҳуқуқлари ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор билан қаратиши лозим.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.09.2010 йил, О’RQ-263-сон. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341- модда
2. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган «Пекин қоидалари». -2.2-модда.
3. Международный обзор уголовной политики №49-50. 1998-1999 гг. ООН и преступность среди несовершеннолетних: Руководство по международным стандартам и наилучшим видам практики. ООН. Нью-Йорк, 1999 год. – С.11.
4. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. // Нашр учун масъул Р.А.Мұхитдинов ва бошқ.; –Т.: Адолат, 2010. –Б. 64.
5. Юридик атамаларнинг қомусий луғати. // Масъул мұхаррир: Х.Р.Рахмонқұлов. –Т.: «Шарқ», 2003. –Б. 82.
6. Абрамов В.И. Права ребенка и их защита в России: общетеоретический анализ. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Саратов: 2007. – С. 12.
7. Осипова Т.В., Почивалова В.Г., Коляда О.В. Актуальность проблемы прав ребенка и его защиты // Вестник ЮУрГУ. Серия “Образование. Педагогические науки”. 2018. Т. 10. №4. – С.10.
8. Права ребёнка // Онлайн – энциклопедия “Кругосвет”. 2001-2011. – С. 2.
9. Морозова Л.А. Основы государства и права. – Москва. Норма. 2004. – С. 97.
10. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тультеев ва бошқ. –Т.: «Шарқ», 2009. –Б. 345-346.
11. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мұхитдинов ва бошқ.; –Т.: Адолат, 2010.–Б. 644.
12. Матчанов А.А. Методика расследования преступлений по делам о преступлениях несовершеннолетних. Монография. – Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2010. – 116 с.
13. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт-М, 2001. – Стр.149.
14. В.В. Лазарев, С.В. Липень, А.Х. Сайдов. Теория государства и права: Учебник. Под ред. акад. Абдурахманова К.Х. – Ташкент, «АКАДЕМИЯ», 2007.– С.303.
15. Ўзбекистонда ювенал адлия: ҳозирги аҳволи ва истиқболлари” миллий семинари материаллари. Тошкент, 2002. – Б.13.